



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

TERMS OF THE SCIENCE OF HADITH

Jaloliddin Kh. Khamrokulov*Researcher**International Islamic Academy of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Qur'an and Sunnah, "Alfiya", Qur'an, "Miftahu-l-Janna" (Key to Paradise), Islamic religion, allama.

Received: 26.09.22**Accepted:** 28.09.22**Published:** 30.09.22

Abstract: Abdurrahman ibn Khollad Ramahurmuzi was the first to write the work "Al-muhaddisu-l-fasil baynar ravi wal wa'i" about the reforms of the science of hadith. Then Hokim Naysaburi wrote the work "Ma'rifatu ulumil hadith", Khatib Baghdadi wrote the work "Al-kifayatu fi ilmir rivayati", Ibn Hajar Asqalani wrote the work "Nukhbatul fikar fi mustalahi ahli asar" and he also wrote a commentary on it called "Nuzhatun nazar". Apart from these, many other works have been written on the science of Mustalahu-l-Hadith.

ҲАДИС ИЛМИ ИСТИЛОҲЛАРИ

Жалолиддин Х. Ҳамроқулов*тадқиқотчи**Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ташкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Куръон ва сунна, "Алфия", Куръон, "Мифтоҳу-л-жанна" (Жаннат калити), ислом дини, аллома.

Аннотация: Ҳадис илми истилоҳлари тўғрисида биринчи бўлиб Абдураҳмон ибн Холлад Ромахурмузий [1] "Ал-мухаддису-л-фасил байнар ровий вал ваъий" асарини ёзган. Сўнгра Ҳоким Найсабурӣ [2] "Маърифату улумил ҳадис" асарини, Ҳатиб Бағдодий [3] "Ал-кифаяту фи илмир риваяти" асарини, Ибн Ҳажар Асқалоний [4] "Нухбатул фикар фи мусталаҳи аҳлил асар" асарини ёзган ва ўзи унга "Нузҳатун назор" номли шарҳ ҳам ёзган. Мусталаҳу-л-ҳадис илми бўйича булардан бошқа ҳам жуда кўп асарлар ёзилган.

ТЕРМИНЫ НАУКИ ХАДИСОВ

Джасолиддин Х. Хамрокулов

Научный сотрудник

Международной исламской академии Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Коран и Сунна, «Альфия», Коран, «Мифтоху-л-Джанна» (Ключ от Неба), исламская религия, аллама.

Аннотация: Абдурахман ибн Холлад Рамахурмузи был первым, кто написал работу «Аль-мухаддису-ль-фасиль байна рави валь ваи» о реформах науки хадисов. Затем хоким Найсабури написал труд «Ма'рифату улумил хадис», Хатиб Багдади написал труд «Аль-кифаяту фи илмир риваяти», Ибн Хаджар Аскалани написал труд «Нухбатул фикар фи мусталахи ахлил асар», а также написал к нему комментарий. называется «Нужатун назар». Помимо этого, по науке Мусталаху-ль-хадис написано много других работ.

КИРИШ

Шулардан мусталаху-ль-ҳадис илми ислом динидаги муҳим илмлардан бири экани яққол намоён бўлади. Шу маънода ҳозирги кунда мусталаху-ль-ҳадис илми жаҳондаги барча ислом билим юртларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда ва кўп тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада замонавий ёзилган энг машҳур асарлардан бири доктор Маҳмуд Тоҳхоннинг “Тайсиру мусталаҳи-л-ҳадис” китобидир. Бу китоб номига муносиб тарзда ўқувчига ҳадис илмининг истилоҳларини енгил услубда баён қилиб берган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Куръон ва сунна ҳар бир даврнинг ижтимоий-диний-маърифий соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб, ислом динининг асосий тамойилига айлангани маълум. Хусусан, сунна Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларидан иборат бўлиб, ислом хуқуқшунослиги мактабининг яралишида ўрни бекиёс. Ҳадис ва ҳадис илмини ўрганиш саҳобалардан кейинги даврда юқори чўққига чиқди. Ҳижрий иккинчи асрда ҳадис илмига муҳаддислардан И мом Бухорий, И мом Муслим ва И мом Термизий каби алломалар ўз ҳиссаларини қўшишди. Улар ҳадис матнини ўрганишдан ташқари, ҳадис илми, ҳадисларнинг санади, даражаси ва атамаларига асос солишди. Шунингдек, ровийларни якка шахс сифатида ўрганиб, уларнинг жамиятдаги ижтимоий-маърифий, ҳатто сиёсий мавқеларига ҳам эътибор қаратишди. Йиллар мобайнида муҳаддислар томонидан ҳадис илми “Мусталаху-ль-ҳадис”, “Улуму-л-ҳадис” ва шу каби номлар билан аталди. Бу илмда биринчи бўлиб қози Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдураҳман ибн Холлад Ромахурмузий

(ваф. 360/970) “Ал-Мұхаддису-л-фоси-л-байна-р-ровий ва-л-воъий” асарини ёзди. Ағсуски, Ромаҳурмұзийнинг ушбу асари “Мусталаху-л-ҳадис”нинг барча баҳсларини қамраб олмаган эди [5].

XVI-XVII асрларга келиб илм-маърифат ривожланиб, тараққий эта бошлади. Бошка илмлар қатори мусталаху-л-ҳадис илми ҳам янги босқичта күтарилди. Бу даврда уламолар ижод қилиши учун замин яратған асарлар ёзилди. Хусусан, Ибн Фатух Байқуний (ваф. 1080/1669) билан бир қаторда Жалолиддин Суютий (ваф. 911/1506), Закариә Анзорий (824/926-1421/1520), Мулла Али Қори (ваф. 1014/1606), Зайниддин Муновий (ваф. 952/1031), Абдулҳақ Деклавий (ваф. 1052/1642) каби олимларнинг илмий меросини мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, Закариә Анзорий (824/926-1421/1520) “Фатху-л-боқий би шарҳ алфияти-л-Ироқий” асарини ёзди. У ушбу асарни ёзишда олдин ёзилган кўп манбаларга таянган. Хусусан, Шамсаддин Саховий (тав. 831/902)нинг шарҳи ва назм муаллифи Абдураҳим Ироқий (725/806-1325/1403)нинг ўз назмига ёзган шарҳидан кенг фойдаланган. Ушбу асар мусталаху-л-ҳадис илмида ёзилган бебаҳо асарга айланди [6].

XVI-XVII асрларда ислом дунёсининг йирик марказлари каби Мисрдан ҳам бир неча алломалар етишиб чиқиб, ҳадис илмига ўз хиссаларини қўшишди. Аллома Жалолиддин Суютий ҳам мана шу олимлар сирасига киради. Унинг “Тадриба-р-ровий фи шарҳи тақриба-н-нававий ли маърифати сунана-л-бashiри-н-назири фи усули-л ҳадис” (Ҳадис усулларида огоҳлантирувчи ва башорат берувчининг суннатларини англашга қулай ва енгил услугуб асарни шарҳлашда ровийнинг маҳорати) асари ҳадис илмига оид манбаларнинг энг эътиборлиси ҳисобланаб, у имом Нававий (631/676-1233/1277)нинг “Ат-Тақриб ва-т-тайсир ли маърифати сунана-л-бashiри-н-назири фи усулил ҳадис” (Ҳадис усулларида огоҳлантирувчи ва башорат берувчининг суннатларини англашга қулай ва енгил услугуб) асарига шарҳ ҳисобланади. Асарда ҳадис илмига оид кенг қамровли маълумотлар ўрганилган. Муаллиф даставвал “саҳих ҳадис” ва унинг қисмлари ҳақида баён қиласи. Кейин эса “ҳасан ҳадис” ва “заиф ҳадис”ларнинг турларини келтиради. Қолган қисмларни ҳам турли услублар билан олтмиш беш боб билан тартиблаган. Аллома асарнинг муқаддимасида шундай келтиради: “Улуму-л-ҳадис фанига оид жамлаган маълумотлар етарли бўлгач, эътиборимни нодир атамалар ўзига тортди. Талабаларга манфаатли бўлиши учун уларни бир китобга тўплаш ва назм қилишни ҳам ўйладим. Шайх Абу Закариә Нававийнинг “Ат-Тақриб ва-т-тайсир” асарини фойдали ва қадри баланд, ҳамда ўқувчига кўп маълумот беради деб билдим-да, унга шарҳ ёзиш мақсадида ҳеч ким қўл урмаган ишга киришдим. У асарни “Тадрибу-р-ровий фи шарҳи тақриби-н-Нававий”,

деб номладим. Буни Ибн Салоҳ (577/643-1181/1245)нинг мухтасари ва шу фанга доир бошқа асарларга шарҳ сифатида деб қабул қиласиз” [7].

Жалолиддин Суютийнинг “Тадриба-р-ровий фи шарҳ тақриба-н-Нававий”идан ташқари “Алфия” (“Алфия” деб минг байтдан иборат назмга айтилади) ва “Мифтоҳу-л-жанна фи-л-иҳтижаки би-с-сунна” (таржима; Суннат амалига ҳужжат келтиришда жаннат қалити) асари ҳам ҳадис илмига бағишиланган. Суютийнинг “Алфия” асари имом Ироқийнинг шу номдаги асаридан фарқ қиласи. Унинг “Алфия” асари 970 байтдан иборат шеърий назмдан иборат бўлиб, Ироқийнидан кўра назмда сони озлиги, ҳамда Ибн Салоҳнинг “Муқаддима”сини тўлалигича қамраб олиши билан ажralиб туради. Шунингдек, манзуманинг тўлиқ номи “Назму-д-дурари фи-л-илми-л-ҳадис” (Ҳадис илмига дурлардан шода) бўлиб, муаллифнинг ўзи унга “Қатру-д-дирап ўала назми-д-дурари фи-л-илми-л-ҳадис” (Ҳадис илмига дурлардан шода асарига томчидан уммон) деб шарҳ битган. Асар маълумотлар билан бойигач, номини “Ал-Бахру-л-лазий зухира фи илми-л-асар” деб ўзgartирган. Манзуманинг ўзи ҳадис илми, санад, суннат кабиларга таъриф беришда қўшимчалар билан бойитилган. Ироқий ва Ибн Салоҳ эса ўз асарларида энг саҳиҳ санадларга, исм ва куняларнинг қисми ва турларига тўхталишмаган. Имом Суютий манзумасидаги маълумот Ироқийнидан кўп эканига шундай келтиради:

هذه أُلْفِيَةٌ تُحَكِّي الدِّرَرَ مُنْظَمَةٌ ظَمِنْتَهَا عَلَمُ الْأَثَرِ
فَائِقَةُ أُلْفِيَةِ الْعَرَافِيِّ فِي الْجَمْعِ وَالْإِيجَازِ وَالْاتِسَاقِ

Маъноси; Бу “Алфия” асари бебаҳо дурларни манзума тарзида хикоя қиласи. Мен уни ҳадис илми асосида тўплаган эдим. Бу “Алфия” манзумаси маълумотларни мухтасар ёки баён қилиб келтиришда Ироқийнинг ‘Алфия сидан кўра устундир’.

Шу билан бирга Имом Суютий “Алфия” асарини беш кун мобайнида назм шаклига келтирганини ўз байтида келтиради;

نَظَمْتُهَا فِي خَمْسَةِ الْأَيَّامِ ... بِقُدْرَةِ الْمُهَبِّيْمِنِ الْعَالَمِ

Маъноси; “Бу (манзума)ни ҳар нарсадан Огоҳ ва Билувчи Зотнинг қудрати билан беш кунда назм қилдим” [8].

Бу асарга олтита шарҳ битилгани унинг ҳадис илми истилоҳига қўшган ҳиссасига яққол далил ҳисобланади. Булар қўйидагилар:

1. “Шарҳу Алфияти-с-Суютий фи мусталаҳи-л-ҳадис”. Аллома Мұхаммад Мұхайдиддин Абдулҳамид (1318/1392-1900/1972) қаламига мансуб бўлиб, у 2 жилд, 888 саҳифадан иборат.

2. “Шарху Алфияти-с-Суютий фи илми-л-ҳадиси-л-мусамма Исьафу ҳавил ватари би шарҳи назми-д-дурари фи илми-л-асар”. Муаллиф Мұхаммад ибн Али ибн Одам ибн Мусо Исаубий Валлавий (хиж. 1365/1442) бўлиб, асар 2 жилд ва 870 саҳифадан иборат.

3. “Шарху Мұхаммад Ҳижозий” Муаллиф Мұхаммад Ҳижозий ибн Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Қалқашқандий (756/821-1355/1418).

4. "Манҳажу зави-н-назари фи шарҳи Алфияту фи илми-л-асар". Муаллиф Мұхаммад Маҳфуз ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмансон Тармасий Шофеий (тав. 1285/1868).

5. “Шарху Алфияти-с-Суютий фи илми-л-ҳадис”. (Ҳадис илмига оид Суютийнинг минг байтдан иборат асарига шарҳ) Муаллиф Аҳмад Мұхаммад Шокир (1309/1377-1892/1958).

6. ‘Ал-Бахру-л-лазий зухира фи илми-л-асар” (Ҳадис илмига оид яширинган Уммон) номли шарҳ имом Суютийнинг қаламига мансуб [9].

Имом Суютий “Мифтоҳу-л-жанна фи-л-иҳтижажи би-с-сунна” асари ҳам ҳадис илмига бағишланиб, уни қирқта бобга тақсимлаган. Шунингдек, унда ҳадисларни санадига эътибор қилмасдан ривоят қилишдан огоҳлантиради. Асарнинг биринчи мавзусини “Ушбу асарни ёзишга ундан сабаблар” деб номлади. Биринчи мавзу Рофизий оқимига мансублардан бири ҳадислар ҳужжатликка ярамайди. Қуръоннинг ўзи ҳужжат учун етарли деган даъво билан чиқиши ҳақида бўлади. Шунингдек, у қуйидаги ҳадисни ўзича далил қиласди. Унда шундай келтирилади: “Сизларга бирор бир ҳадис келса, уни Қуръонга солиштиринг. Қуръондан бирор ҳужжат топилса, олинг. Акси бўлса, ташланг”. Суютий эса ушбу мавзуда ҳадис илмига эга киши гапиришга ҳақли эканини таъкидлайди. Давомида рофизийнинг сўзига қарши Имом Шофеийнинг: “Бу ҳадиснинг ровийси номаълум ва бу каби ривоятлар мақбул эмас”, деган сўзини келтиради. Имом Суютий бу каби санади номаълум маълумотларни ёритиб, яна имом Шофеийни сўзидан иқтибос қиласди: “Аллоҳ сизларни раҳмати билан чулғасин. Кимки ҳадис усулида ҳужжат экани аниқ бўлиши билан қовлий ёки феълий ҳадисни инкор қиласа, коғир бўлади, ислом доирасидан чиқади, қиёмат кунида Яхудий ва Насронийлар қаторида тирилади ёки Аллоҳнинг хоҳиши билан коғир фирмалар қаторида тирилади. (Бу хукмдан мутавотир ҳадисни ирода қиласди) [10].

Аллома асарни ўттиз биринчи мавзусида: “Ҳадис борасида музокара (дарс) қилиш Қуръон тиловатидан афзал”, деган бобни ажратади. Унда Сулаймон Таймийнинг ривоятини келтиради: “Мен, Абу Усмон, Абу Назр Абу Мажлаз, Холид Ашаж ҳадис ва суннат борасида сўзлашиб турган эдик. Орамиздан бир киши: “Бундан кўра Қуръондан бир сурани ўқисак, ўша яхшироқ эди”, – деди. Шунда Абу Назр: “Абу Саъид Худрий:

“Ҳадис борасида музокара қилиш Қуръон қироатидан афзал”, деган”, – деди. Имом Суютий бу ривоятга нисбатан ўз қарашини шундай ифодалаб айтади: “Бунинг ҳукми имом Шофеъийнинг сўзидағи ҳукмга мувофиқдир. У зот айтарди: “Илм олиш нафл намоз ўқишдан афзал. Қуръон қироати нафл амал бўлса, ҳадисни ёд олиш фарзи кифоя”[11].

Суютий ушбу асарда ҳадисга бўлган муносабатга оид мавзууни кўтаради. Унда Бишр ибн Ҳориснинг ривоятини келтиради: “Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. хиж. 181) йўлда кетаётганида бир киши ҳадис ҳақида саволга тутди. У киши: “Шу каби ҳолатларда (юраётиб саволга жавоб беришга ишора қиласи) саволга жавоб бериш илмга беҳурматлик саналади”, – деди. Бишр айтади: “Бу (тарбия)ни жуда ҳам гўзал одобларидан деб, қабул қилдим”[12].

Асарда ҳадис илмини ўрганишнинг шарафи ҳақида Абдуллоҳ ибн Муборакнинг: “Аллоҳ розилигини хоҳлаган киши учун ҳадисни ўрганишдан афзал ишни билмайман”, деган сўзини келтиради. Яна “Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларига бўлган эҳтиром Аллоҳнинг Китобига бўлган эҳтиром каби”, – деган ҳадисни келтиради. Бу ҳадис ҳақида имом Байҳақийнинг қуидаги сўзини шарҳ сифатида иқтибос қиласи: “Бундан мақсад, ҳадиснинг ўз ҳаққини бериш, хурматини жойига қўйиш ва унга эргашиш лозим деганидир” [13].

Суютийнинг “Мифтоҳу-л-жанна” (Жаннат калити) асари ҳадис илмiga бағишлиланган учинчи асари ҳисобланади. Унда ҳозирда пайдо бўлган оқимларнинг аксарига раддиялар топиш мумкин. Айниқса, “Қуръонийлар” оқимига илмий далиллари билан хужжат кўрсата олади. Яна шу кунларда мавжуд “такfirчилар”га ҳам оят-ҳадис билан раддия берган. Шунингдек, асарда ҳадис ва ҳадис илмининг мавқеси, бу илм билан шуғулланиш буюк даража эканини билиш мумкин.

Имом Суютий Султон Зоҳир Сайфуддин Жуқмуқнинг ҳукмронлик даври еттинчи йилида таваллуд топади. Вафоти эса Султон Ашраф Абу-н-Наср Қонхуҳ ибн Абдуллоҳ Буржий ҳукмронлиги тўртинчи йилига тўғри келади. У Турк Мамлуклари соясида Мисрда яшаб ижод қиласи. Ўша даврда Мамлуклар сиёsatга қаттиқ эътибор қаратгани уламоларнинг илм бобида юксалишига айни муддао бўлди. Шу туфайли қўп сонли олимлар пайдо бўлиб, Суютий ҳам шулар сирасига киради. Суютий асар битиш ёки шарҳ ёзишга бўлган қизиқиши ўн етти ёшида юзага чиқади. Аллома Бағдодда таваллуд топишига қарамасдан илмий ижоди Мисрда бўлиши билан ўн уч Мамлук султонларни кўради. Бироқ улар алоқада эҳтиёткорлик, ҳамда у ўз обрўсини ушлаб қолган ҳолда бўлади. Унинг доимий одати Султонларни олимларни эҳтиром қилишга ундар эди. Аллома яшаб турган даврида уни муаллифи номаълум асарларни ўзлаштирган деган

айблов содир бўлди. Бу ишни бошида аллома Шамсуддин Саховий (ҳиж. 831/902) турган деган фикр ҳам келтирилади. Имом Суютий содир бўлган воқеага ҳам “Мақомату-л-ковий фи-р-радди ала-с-Саховий” номли рисола битади. У ўша пайтда 40 ёшда эди. Кейин уни фатво бериш, дарс беришдан четлатишиди. Шундан сўнг аллома ўзини ортга тортиб, қолган ҳаётини асар ёзишга бағишлиайди. Аллома халқдан узилганига бағишилаб ҳам “Мақомату-л-луъльуъийя” ва “Ат-Танфису фи-л-иътизори ъан тарки-л-ифтои ва-т-тадрис” асар ёзган. Имом Шаҳобиддин Қасталоний (851/923-1448/1517) уни халқ ичидагина дин хизматига қайтишини талаб қиласди. Суютий ўз уйидаги қолиб, асарлари сонини тақрибан олти юзтага етказади [14].

Тарихчи Ибн Халдун (1332/1406) шундай дейди: “Миср ўлкаси бугунги кунда имом Суютийнинг даврига караганда илмий ривожланишга эга эмас. Ўз даврида Миср дунё бешиги, исломнинг маркази ва шунингдек, илм ва саноатнинг конига айланган эди” [15].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, аллома Жалолиддин Суютий ҳадисшунослик фанига учта буюк асарини мерос қолдирди. Улар ҳадис илми истилоҳларини ёритиб берди ва қўшимчаларни қўшди. Унинг олти юзга яқин асари ислом динининг кўп фанларига асос бўла олди. Фикҳдаги мазҳаби шофеий бўлишига қарамасдан бошқа мазҳаб олимлари ҳам уни қўллаб-қувватлади. Асарлари ўша давр илмий муаммолари, жамиятдаги ноўрин урунишлар, ҳамда сиёсий тушунмовчиликларга барҳам берди. Асарларидаги кўрсатмалар ҳозирги вақтдаги адашган тоифаларга ҳам жавоб беради.

Ўзбекистонда ҳам истиқлол йилларида барча диний илмлар қатори ҳадис илмiga ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бир қанча китоблар ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Лекин ушбу фан бўйича яна ҳам чуқурроқ тадқиқот ишлари олиб бориш зарурати борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода ушбу диссертация мазқур заруратдан келиб чиқиб амалга оширилган тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Бунмага мусталаху-л-ҳадис илми бўйича машҳур асарлардан бири бўлган “Манзуматул Байқуний” асари асос қилиб олинди.

ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қози Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдурраҳмон ибн Холлад Ромаҳурмузий ҳижрий 360 санада вафот этган.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳоким Найсабурий ҳижрий 405 санада вафот этган.
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хотиб Бағдодий ҳижрий 463 санада вафот этган.
4. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ҳижрий 752 санада вафот этган.

5. <https://ar.wikipedia.org/wiki/>
6. Ад-Довъул Ломеъ. Мухаммад ибн Абдурраҳмон Саховий Шамсуддин.– Байрут, Дорул-жиял. – Ж: 3. 2011. – Б. 236.
7. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Тадриба-р-ровий фи шархи тақриба-н-Нававий. – Қохира, Дору Ибн Жавзий, 2008. – Б. 86.
8. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Назму-д-дурари фи-л-илмил ҳадис. – Қохира, Дору-л-осор. 2008. – Б. 146.
9. <https://ar.wikipedia.org/wiki/>
10. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Миғту-л-жанна фи-л-иҳтижажи би-с-сунна. – Покистон, Дору-л-Қуръан ва-с-сунна. 2010. – Б. 57.
11. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Миғту-л-жанна фи-л-иҳтижажи би-с-сунна. – Покистон, Дору-л-Қуръан ва-с-сунна. 2010. – Б. 112.
12. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Миғту-л-жанна фи-л-иҳтижажи би-с-сунна. – Покистон, Дору-л-Қуръан ва-с-сунна. 2010. – Б. 113.
13. Имом Жалолиддин Абдурраҳмон Суютий. Миғту-л-жанна фи-л-иҳтижажи би-с-сунна. – Покистон, Дору-л-Қуръан ва-с-сунна. 2010. – Б. 114-115.
14. <https://ar.wikipedia.org/wiki/>
15. <https://ar.wikipedia.org/wiki/>